




Шарқий Туркистонни ишгол этиш учун Хитой танлаган йул

Амурсан бошчилигидаги жунгорларнинг бир кисми Хитой билан 1755 йилда тузган иттифоки Хитой томонидан Шарқий Туркистоннинг босиб олинишини тезлаштирди. Хитойлар Амурсан ёрдамида жунгорлар мустақиллигини тугатиб, Шарқий Туркистонни мустамлака занжирига илинтириш учун 1756 йилдан эътиборан кучли тайёргарлик бошлаб юборди. Шарқий Туркистондаги ички низолар ҳам бунга кулай шароит тайёрлаган эди. Хитойлар истило асносида ўзига хос сиёсий савдо йўлини тутдилар. Улар Шарқий Туркистоннинг Октоғлик (тоғлик) гурухи вакили Бурхониддинга шарқий Туркистон хокимиятини ваъда қилишди. Хитойлар Бурхониддин бунинг учун Шарқий Туркистондаги эркин шаҳар-давлатларга қарши урушиши лозимлигини уқдирди. Бурхониддиннинг ҳарбий кучлари хитойлар ва жунгорлар мададига таянган ҳолда дастлаб 1757 йилга қадар голиблик нашидасини сурдилар. Бурхониддин Турфонга юриш қилган бир пайтда, хитойлар 1758 йили Қошғарни (Қошғар Хитой манбаларида милоддан аввалдан бери Сулет деб номланиб келади. Қошғар XVII асргача Шарқий Туркистоннинг бошкенти эди. Қаранг: Куропаткин. Қашғария, СПб. 1879, 98-бетга биноан милоддан 50 йил аввал Қошғарда 18647 аҳоли бор эди, бошқа бир манбага кўра, 112 000 эди. Шаҳар эски ва Янги шаҳарга ажралган эди. МонахЯкиноф. ОписаниеЖунга-рии..., СПб, 1829 й., 140-бетга кўра «Қошғар» деган сўз турли ранг маъносини ифодаловчи «қош» ва «бой» маъносидаги «ғар» сўзларидан иборат. 1858 - 1859 йилларда Қошғарда тахминан 1600 уй бор эди. Шаҳар девори тахминан 15 км узунликда бўлиб, 6 минора ва иккита

дарвозаси бор эди. Шахар Кизил ва Туман дарёлари орасида ўрнашган. Янги шаҳар 1838 йилда қурилган. Кошгарда 17 мадраса, 70 мактаб, 8 қарвонсарой ва 2 чорсу бор эди. Оппокхўжа макбараси шаҳардан 7 км узокликдаги Туман дарёсининг шимолида жойлашган. Киёсланг: Валиханов. Собрание сочинении, II жилд, Алма-Ата, 1962, 288 - 289-б.) истило қилди. Шаркий Туркистоннинг бу муҳим ва кўхна маданий марказини эгаллагач, унинг ҳокимиятини тугатишга шошилмадилар. Шундан кейин Бурхониддин 1755 йилдан бери хитойларга қарши уруш олиб бораётган қардоши Кичикхўжа (ёки бошқа исми билан атаганда Хонхўжа) билан иттифок тузишдан ўзга чораси қолмади(Хитой манбаларида Бурхониддин «Буладин» ва Кичикхўжа «Хўт Сичан» деб номланган бу зотлар Ёркент ҳукмдори Махмудхўжанинг ўғиллари эди. Жунгорлар Махмудхўжани Или ўлкаси томон суриб ташлади. Хар икки ўғли ҳам ўша ерда тугилган. Бурхониддин хитойлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эди. Укаси бунга қарши эди. Кичикхўжа: «Анчагина йиллар жунгорлар истибдоди остида қолдик. Нихоят, ватанимизга қайтдик. Сен Хитой саройидан амр қутаётган эмишсан! Аммо иккимиздан биримизни Пекинда гаров сифатида ушлаб туришига шубҳа ҳам қилма. Бунинг ўтмиш ҳаётимиздан нима яхши томони бор», деб ёзган эди Бурхониддинга. Киёсланг: Якиноф, Описание... 167 - 168-б.). Бурхониддин ва Кичикхўжанинг бирлашган қучлари Куча шаҳрида хитойларга қарши мудоффа ташкил этди. Шаҳарга хитойлар Иминту бошчилигидаги 2000 аскарни юбордилар, лекин улар чекинишга мажбур бўлишди. Хитойлар 1758 йил охирида янгидан ҳужум бошлаб, асли мусулмон бўлган генерал Ёрхасан бошчилигида 10000 аскарни Кучага ташладилар ва уни истило қилдилар. Шаҳар химоячиларидан 1000 киши ўлдирилди. Бу урушда Оксув(Оксув шаҳарининг эски оти Ардабилдир. Оксув ҳақида қаранг: 1875, 42-43-б. Яников (126-б.)га кўра бу ерда 20 000 оила яшарди.) беги Авдай ҳам хитойлар тарафида туриб қатнашди. Куча истило этилгач, хитойлар ва улар билан ҳамжихат бўлган мусулмонлар Ёркентга(Шаркий Туркистоннинг энг эски шаҳарларидан бўлмиш Ёркент жунгорлар ҳокимияти даврида Шаркий Туркистоннинг пой-тахти эди. Хитойлар Шаркий Туркистонни босиб олиши билан Кошгарга тайинланган Хитой волиларининг бошқенти бўлиб қолди. Бу мустақил шаҳар-давлатга Корғалик, Тўғузқон, Ситон, Тоғ, Кўкёра, Илолик, Ҳашалик, Сўқал ва Бурчук қаби шаҳарчалар ҳам дохил эди. Киёсланг: III, 457-б; Якиноф, Описание, 136 - 137-б: 22400 аҳолиси бўлган Ёркент Шаркий Туркистоннинг энг йирик кенти эди. Киёсланг: Forsyth, Report, 62-б. га кўра, (Лондон, 1774 й., 528-б.) Ёркент «Кичик Бухоро»нинг (яъни Ш. Туркистоннинг) бошқенти эди. Гарб жугрофлари бу шаҳарни Ярқан, Иркэн, Ирган, Ярқан, Ярқхан, Юркент, Хиарқан, Ярқайн деб ёздилар. Қаранг: Collection, 528-б.; Валихоновга кўра ҳам Ёркентда 32 000 уй, 4 қарвонсарой, 70 мадраса, 2 йирик дарвоза (Олтин ва Кабохдт дарвозалари) бор эди.) юриб, уни 1759 йилда забт этдилар. Оксув беги Авдай бу шаҳарнинг ҳам ҳокими бўлди. Хитой кўши-ни Или қўшилмалари қўмондони Чжао Тай 1759 йил 13 ноябрида ўз императорига олти шаҳарни босиб олиниб, 12000 киши сургун қилинганлигини билдиради (Куропаткин, Қашғария, 88-б. Корнилов, Қашғария или Восточ-ный Туркестан, - Ташкент: 1903,10-б.). Бироқ уруш тугамагани, бу уруш 1764 йилга қадар чўзилди. Хитойлар бу уруш даврида, яъни 1755 -1765 йиллар орасида 500 000 дан ортиқ Шаркий туркистонликларнинг бошига етиб(Н.W.Bellow, History of Kashghar, 180-б; Валихонов, 172-б.: «Шаркий Туркистоннинг 1764 йилгача мустақиллиги маълумдир». Якиноф, Описание. 2-қисм. 177-б. «Шаркий Туркистонни босиб олиниши 1767 йили тугади»), ғалаба қозондилар. Энг сўнгги шаҳар Уч-Турфон(Уч-Турфон - Ш. Туркистоннинг қадимий шаҳарларидан бири, Хитой истилоси

вактида шаҳар атрофида киргиз уруглари черекчилар ва чунбагишлар яшарди. Киёсланг: Валихонов, П., 340-6. 1765 йилдан сўнг Уч-Турфонда бир Хитой калъаси қурилди. Бу ерда 1858 - 1859 йилларда 600 уй бор эди. Киргиз уруглари бошликлари Есен ва Авалдлар хитойлар билан тил бириктириб, Уч-Турфонга қарши уришдилар (1765). Киёсланг: История Киргизии. I. 274-бет.) 1765 йилга қадар химояланди. 1765 йили хитойлар бу шаҳарга 10000 аскар билан ҳужум уюштириб, кўз кўрмаган қатли ом қилдилар(Forsyth, Report, 42-6.). Ҳароб қилинмаган атиги 800 уй қолди. Айнан шу йили Урумчи ҳам таслим бўлди.

1765 йили хитойлар қўл остидаги Ўш(Фарғона водийсидаги Ўш шаҳри Искандар даврида бир қалъа эди. 1440 йилдан эътиборан бу шаҳар Хиндистон билан Хитой орасида қарвон савдоси йўлидаги қатта бозор ҳам эди. Қалмоқлар ҳукмронлиги даврида бу ер Оксув, Пай, Сайрам ва Ўш шаҳарлари идора ишларини олиб боровчи марказ эди. Хитойлар 1755 йили бу шаҳарни ишғол қилдилар.) шаҳрида бир кўзғолон қўтарилди. Кўзғолончилар Бали Су Чен ва Ўш беги Абдуллохни қайфу сафо ва кескин қоралар қўришда айбладилар. Ҳар иккаласи ҳам ўлдирилди. Кўзғолончилар бошчиси Жумадуллох ҳоким қилиб сайланди. Чин қўшини қўмондони Мин Жу Ўш кўзғолонини бостиришга шошилди. Аммо ўшлиқлар химояси олдида ожиз қолди. Хитойликлар шаҳар атрофидаги ўрмонларни ёқиб, шаҳар деворини портлатишга қиришдилар ва 1765 йили шаҳарни қайтадан ишғол қилишга мажбур бўлдилар. Шаҳар аҳолисининг энг сўнггисига қадар қириб ташлаш буйруғини олган хитойликлар буйруқни астойдил амалга оширдилар(Атрофлича маълумот учун қаранг: Якиноф, Описание., 2-қисм. 178-185 б.). Шаркий Туркистонни тўлиқ босиб олгач, хитойлар 1764 - 1790 йиллар давомида эски идора усулларини ўзгартиришга қиришиб, мамлакатни Жунгория ва Қошғария вилоятларига бўлди. Ҳар икки вилоятга бир бош воли ва биттадан воли тайинланди. Қошғария вилояти доирасига олти шаҳар ҳам қиритилди (Қошғар, Ёркент, Янги Ҳисор, Оксув, Уч-Турфон ва Қуча). Қичик ноҳиялар идораси маҳаллий вакилларга бериладиган бўлди. Бекларга қишлоқлар ёки мингдан ўн минг қонадонли шаҳар даҳалари идораси; юзбошиларга юз-икки юз қонадон ва ўнбошиларга 10 - 20 қонадонни Хитой давлати номидан бошқариш тартиби ўрнатилди. Бундан ташқари бекларнинг хитойча қийиниши ва сўзлашиши мажбурий бўлди(Hartmann, Chinesish Turkestan M., 1908, 26-бет., 102-бети бўйича ҳар вилоят 16 шўъбага бўлинган эди. Бу шўъбалар маҳаллий юз-бошилар томонидан бошқарилар эди. Ариқ ва сугориш иншоотлари назорати фақат хитойликларгагина ишонилар эди. Қаранг: Куропаткин, Қашғария, 102-6.). Беклар хитойларга берилиши қерак бўлган солиқларни йиғиш ҳуқуқига эга эди. Ҳар бир шаҳар хитойликларга солиқ сифатида турли-туман моллар етказиб бериши шарт эди. Масалан, Ёркент шаҳри солиқ сифатида йилда 35370 сават (саватларнинг ҳажми ноаниқ] қумуш, 30504 қоп қуддой, 30 сават олтин ҳамда қўшимча солиқ сифатида Хитой қарнизонига 1640 сават қумуш тўлашга мажбурдир. Қошғар шаҳри йилда 36000 сават қумуш ва 14000 қоп қалла тўлашга мажбур эди(Якиноф, Описание, 136 ва 140-бетлар.). Булардан ташқари аҳоли текинга мева, ипақ-газ-лама, олтин, қумушлардан қасалган ашёлар жўнатиши қозим эди. Йилки Хитой императорининг шахсий қулқи деб маҳаллий халқ қарбий мақсаддаги отларга эга бўлиши қатъий тақиқланди.

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан